

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2025-yil 25-sentabr, payshanba

38 (9358)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Муносабат

Янги Ўзбекистоннинг глобал минбардаги овози

МАЪЛУМКИ. НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 80-СЕССИЯСИДА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИШТИРОК ЭТИБ, НУТҚ СЎЗЛАДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЖАҲОН МИНБАРИДАГИ МАЗКУР НУТҚИДА НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН, БАЛКИ ДУНЁ АҲОЛИСИ ҲАЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КЎТАРИЛДИ. ТАКЛИФ ВА ҲОЯЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.



Ушбу тарихий нутқнинг моҳияти, унда билдирилган ғоя ва ташаббуслар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулчеҳра Тожибоева ўз муносабатини, мулоҳазаларини билдирди:

– БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янграган нутқ нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё аҳли учун муҳим воқеа бўлди. Чунки ушбу нутқда глобал муаммоларга ечим излаш, ҳамжиҳатлик ва адолат ғоялари асосий ўрин тутди.

Бу минбардан янграган сўзлар – Ўзбекистоннинг янги қиёфаси, яъни очик, ташаббускор ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётган давлат сифатидаги мавқеини намоён этди.

Президентимиз ўз нутқида дунё кун тартибининг энг муҳим масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Хавфсизлик, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқлари каби масалалар нафақат давлатлар, балки ҳар бир инсон ҳаётига дахлдор экани таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)



Тошкент давлат аграр университетида

“АГРО ЭКО КЛУБ” очилди

МАЗКУР “АГРО ЭКО КЛУБ”НИНГ ОЧИЛИШИ ҲАМ УНИВЕРСИТЕТ ТАРИХИДА МУҲИМ ВОҚЕА БЎЛДИ. ЕВРОПА ИТТИҒОҚИ ВА БМТ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ (БМТТД) КЎМАГИДА, ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “АГРО ЭКО КЛУБ” ЎЗ ҲАМКОРЛИГИНИ БОШЛАДИ.

Тантанали очилиш маросимида сенатор Г.Маъруфова, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси З.Миргазиева, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси раиси А.Ахмеджанова, Европа Иттифокининг Ўзбекистондаги делегацияси аъзоси, Қишлоқ хўжалиги бўйича дастур менежери Роберто Апарисио, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари Акико Фуҗири, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Н.Нормирзаева, Тошкент вилояти Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси бошлиғи Н.Кулбекова, Тошкент давлат

аграр университети ректори Н.Обломуродов ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирилик вакиллари, ТДАУ профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ёшлар учун янги имконият

Клубнинг асосий мақсади, ёш авлодни экологик онгли, ижодкор ва масъулиятли мутахассис сифатида тарбиялашдир. Бугун Ўзбекистон олдида турган глобал муаммолар – иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ёшларнинг билим ва ташаббусини талаб қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

Наманган – кўҳна ва навқирон замин. Бу мафтункор гўшанинг ўзига хос тарихи бор. Ҳеч иккиланмай айта оламизки, қадим тупроқ остидаги сиру синоатлар, мўъжизалар бугуннинг бунёдкорликлари билан уйғунлашиб, Наманганнинг туризм салоҳиятини тобора юксалтирмоқда.

Яқин йиллар, жумладан, жорий йилда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокими ўринбосари **Ботиржон НУРИДДИНОВ** билан мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар, уларнинг натижаси ва галдаги режалар хусусида суҳбатлашдик.

– Ботиржон Қодирханович, сўнгги йилларда Наманган вилоятига маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташрифи кескин кўпайди. Бизга бу борада аниқ рақамларни тақдим эта оласизми?

– Албатта. Вилотимизга 2017 йилда 2,3 минг нафар хорижий, 22,6 минг нафар маҳаллий сайёҳлар ташрифи кузатилиб, 2,3 млн. доллар миқдоридagi туризм хизматлари экспорти амалга оширилган эди. Туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2024 йилда вилотимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 634,5 минг нафарга, маҳаллий сайёҳлар сони эса 3,9 млн. нафарга етди ва 205 млн. доллар қийматидаги туризм хизматлари экспорти амалга оширилди. Кўриб турганингиздек, бу борада кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 900 баробарга оширишга эришилди.

Жорий йилнинг январь-август ойлари давомида эса вилотга 1256,4 минг нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрди, экспорт ҳажми 200,8 млн. долларни ташкил этди.

– Табиийки, сайёҳлар ташрифи кўламининг

ортиши уларга муносиб шарт-шароитлар яратилишига ҳам бевосита боғлиқ, шундай эмасми?

– Дарҳақиқат, яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017 йилда вилотда бор-йўғи 13 та меҳмонхона ва 2 та хостел мавжуд эди. 2024 йилга келиб 19 та меҳмонхона, 24 та хостел, 614 та оилавий меҳмон уйи, 17 та тиббий соғломлаштириш воситалари ва бошқалар бунёд этилиб, улардаги ўринлар сони 10798 тага етказилди.

Биргина шу йилнинг ўтган даврида 401 ўринга эга 22 та жойлаштириш воситалари ташкил этилиб, уларнинг умумий қамрови 11207 тага, сони эса 715 тага етказилди. Жумладан, 99 ўринга эга 2 та меҳмонхона, 140 ўринли 14 та оилавий меҳмон уйи, 82 ўринли 3 та хостел ва 68 ўринли 2 та ётоқхона ҳамда 12 ўринли 1 та кемпинг фаолияти йўлга қўйилди.

– Наманган ўзининг муқаддас ва мафтункор қадамжолари билан машҳур. Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи истироҳат боғи, “Афсоналар боғи” тематик парки, қатор зиёратгоҳлар доғруғи бутун мамлакатга таралган.

Сўнгги йилларда, билишимча, бундай масканлар сони ортди ва улар замонавий туризм талаби ва тартибларига мослашмоқда. Шу ҳақда ҳам батафсил маълумот бериб ўтсангиз.

– Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида вилотга 1500 минг нафар хорижий ва 3700 минг нафар маҳаллий сайёҳ жалб этилиб, 210 млн. АҚШ доллари миқдоридa туризм хизматлари экспорти амалга оширилди. Шу кунгача “Наманган 1-халқаро авто фестивал”, 64-“Халқаро гуллар фестивали”, “2-халқаро мотокросс турнири”, “4-халқаро асал фестивал”, “3-халқаро зотдор чорва ҳайвонлари ва паррандалари кўргазмаси” каби халқаро миқёсдаги йирик оммавий-тадбирлар ўтказилди. Натижада вилотга 1256,4 минг нафар хорижий ҳамда 4625 минг нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюрди, туризм хизматлари экспорт ҳажми 200,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бундан ташқари 1827,4 минг нафар вилот аҳолиси “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида республика бўйлаб саёҳатларга жалб этилди.

(Давоми 3-саҳифада)



Ўзумини енгү, боғини суриштираманг!

Ёшлигимизда бу гапни жуда кўп маротаба эшитганмиз. Бугун кузнинг ғарқ пишиқчилик кунларида қаршимизда олтиндай товланиб турган токзорлардаги, ишқомлардаги бу узумларни кўриб кўзингиз қувонади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Катта Ўзбек тракти ёнидаги симёғочларга дид билан боғланган токзорларга ҳавас қилиб, узумидан еб кўриб, эгасини суриштирмасак бўлмайдиган бўлди... Шу баҳона Жомбой туманининг Эски Жомбой маҳалласи ҳудудидаги адоғи йўқ узумзорларни завқ билан айланиб юрар эканмиз, ҳамроҳим журналист, Республика “Олтин қалам” Миллий мукофоти ғолиби Холбой Қосимов менга юзларан экан: “Раббим ака, ҳадеб ўғринча узум еявермай бу токзорнинг эгасини топайлик”, деди. Шундан сўнг икки юз метрлар чамаси нарироқда узум тераётган ҳашарчилар томон йўл олдик.

(Давоми 2-саҳифада)



ПАХТАЧИЛИКДА ЯНГИ ДАВР:

самарадорлик, технология ва фидокорлик уйғунлиги

“ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АЖ КЎМАГИДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ

Бугун Ўзбекистон пахтачилиги юксак натижалар сари дадил қадам ташламоқда. Янги агротехнологиялар, хорижий навлар, илмий-услубий ёндашувлар, айниқса, замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланиш тўғрисида дала меҳнатининг самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Республикамиз дала май-

донлари ҳозирда нафақат ҳосилдорлик, балки пахта етиштириш маданияти бўйича ҳам илғор тажриба майдонига айланган. Хусусан, хорижий нав – “Shinjon” агротехнологияси асосида экилган пахта далалари бугунги кунда ўзининг кўркем манзараси ва тўқин ҳосили билан ажралиб турибди.

(Давоми 2-саҳифада)

“Ўзагролизинг” нафақат техника таъминотчиси, балки замонавий қишлоқ хўжалиги ривожининг ишончли ҳамкорига айланмоқда

ПАХТАЧИЛИКДА ЯНГИ ДАВР:

САМАРАДОРЛИК, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ФИДОКОРЛИК УЙЎНЛИГИ

(Боши 1-саҳифада)

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу майдонлардан камида 70 центнердан ортиқ ҳосил олиниши кутилмоқда. Бундай юксак натижа эса замонавий агротехник тадбирлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилганда пахтачиликда қандай катта самараларга эришиш мумкинлигини амалда исбот-ламоқда.

Илм ва тажриба уйғунлиги – ҳосилдорлик кафолати

Эътиборга молик жихат шундаки, ушбу далада барча агротехник тадбирлар Пахтачилик кенгаши томонидан ишлаб чиқилган методик қўланмаларга таянилган ҳолда амалга оширилди. Ўз вақтида ўғитлаш, зараркундаларга қарши ҳимоя тадбирларини ташкил этиш, сув таъминотини меъёрида йўлга қўйиш – буларнинг барчаси ҳосилдорлик-нинг мустаҳкам пойдеворига айланди.

Бутун ушбу далалар оппоқ қорёқ пахта билан қоплан-ган. Ҳар бир гўздаги ҳосил деҳқон меҳнати ва илмий ён-дашувнинг ўзаро уйғунлашган намунаси сифатида кўзга ташланмоқда. Далага назар ташлаган ҳар бир инсон ўзини гўё оппоқ гилам устида юргандек ҳис қилади. Бу манзара билим, фидойилик ва замонавий технологиянинг узвий маҳсулидир.



“Ўзагролизинг” – замонавий пахтачиликнинг таянч кучи

Бутунги кунда пахта терими ишларининг замонавий техникасиз самарали ташкил этилиши тасаввурга сиғмайди. Бу борада “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти муҳим стратегик вазифаларни бажармоқда. Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Жумладан, “Ўзагролизинг” АЖ томонидан фермер хўжали-кларига пахта териш техникасини етказиб бериш мақсадида дунёдаги етакчи ишлаб чиқарувчилар – “Boshiran” (Хитой), “Swan”, “CACE” ва “John Deere” каби компаниялар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу ҳамкорлик доирасида республикамизнинг барча ҳудудларига 915 дона замонавий пахта териш машинаси етказиб берилди. Мазкур техникалар юқори унумдорлик, энергия тежамкорлик ва замонавий стандартларга тўлиқ мослиги билан ажралиб туради. Пахта теримини сифатли ва қисқа муддатларда амалга ошириш имконини бераётган ушбу техник воситалар айнаи мавсумда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Ҳаракат – юксалиш гарови

Бутунги кунга келиб, мамлакатимизнинг барча ҳудуд-ларида “Ўзагролизинг” АЖ томонидан етказиб берилган техникалар тўлиқ ишчи ҳолатга келтирилган. Улар далаларда фаол ва узлуқсиз ишламоқда. Бу эса нафақат терим мавсуми-нинг муваффақиятли ўтишини, балки фермер хўжаликлари учун вақт, ресурс ва меҳнат тежалишини таъминламоқда. Замонавий пахтачилик фақат далада эмас, балки ён-дашувда ҳам янгиланишини талаб этади. Бутунги далалар, юқори ҳосил, инновацион техника ва илмий асосланган агротехник тадбирлар – буларнинг барчаси пахтачилик соҳасида янги босқичга ўтилганидан дарак беради. “Ўзагро-лизинг” АЖ фаолияти эса бу юксалишда ҳал қилувчи ўрин тутаетган муҳим бўгин сифатида ўзини намоян этмоқда. Устувор технологияларни фермерларга тезкор етказиш, уларга қулай молиявий шартларда хизмат кўрсатиш орқа-ли “Ўзагролизинг” нафақат техника таъминотчиси, балки замонавий қишлоқ хўжалиги ривожининг ишончли ҳам-корига айланмоқда.

Сарвиноз МИРЗАЕВА,
“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти
матбуот котиби.



(Боши 1-саҳифада)

Масалан, иқлим ўзгариши ҳақида гап кетар экан, бу жараён қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик-ка, ичимлик суви таъминотига, болалар саломатлигига бевоси-та таъсир кўрсатиши айтилди. Нутқдаги йўналишлар ҳар бири-миз учун ҳаётий аҳамиятга эга. Ядровий хавфсизлик масаласи на-фақат геосиёсий мувозанат, балки келажак авлоднинг тинч ва осуда турмуши учун асос эканини ан-глатди. Афғонистонда тинчлик ўр-натишга оид фикрлар ҳам диққатга сазовор. Зеро, бу мамлакатдаги барқарорлик бутун Марказий Осиё учун хавфсизлик ва тараққиёт ка-фолати ҳисобланади.

Дунёда 2 миллиарддан ор-тиқ одам тоза ичимлик сувидан маҳрум. Бу глобал инқироздир. Ўз-бекистон ташаббуси билан Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форуми ташкил этилиши режалаштирилга-ни ҳам шу долзарб муаммони ҳал қилишга қаратилган. Шунингдек, иқлим миграциясига оид аниқ халқаро механизмлар йўқлиги қайд этилди. Президент бу йўна-лишда Глобал Пакт қабул қилишни таклиф этди. Бу эса самарали ҳам-корлик ва умумий жавобгарлиكنи талаб этади.

Менимча, мазкур нутқ инсо-ният олдида турган жиддий хавф ва вазифаларни очик кўрсатди. Орол муаммоси, сув инқирози ёки иқлим миграцияси – барчаси инсон ҳаёти, саломатлиги ва кела-жак фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Президентнинг БМТ минбари-дан илгари сурган “Жаҳон ёшла-рининг тинчлик сари ҳаракати” ташаббуси ва унинг қароргоҳи-ни Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи мамлакатимиз учун катта маъно касб этади. Бу ғоя нафақат рамзий, балки амалий ҳаракатга қақирикдир. Ёш авлод қалби ва онгига гуманизм, дўст-лик, ишонч ва ҳурмат ғояларини сингдириш умумий вазифамиз. Шу билан бирга, рақамли та-раққиёт ва сунъий интеллектдан фойдаланишдаги тенгсизликка қарши халқаро ҳамкорлик меха-низмларини яратиш зарурлиги ҳам эътироф этилди.

Мен бу таклифни катта умид билан қабул қиламан. Чунки ёшлар – келажакнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Агар улар учун бундай ми-нбар яратилса, тинчлик, ҳамжихат-лик ва ўзаро ҳурмат ғоялари ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллайди. Бирок фақат даъват билан чекланмасдан,

уни амалий қадамлар билан таъ-минлаш зарур.

“Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати” – ғоя эмас, балки амалий ҳаракат. Агар бу ташаб-бус ҳаётга татбиқ этилса, Ўзбекис-тон дунё майдонида ёшларнинг ҳақиқий шеригига айланади. Шу-нингдек, давлатимиз раҳбарининг БМТнинг ўзи ҳам замон талабла-рига мос равишда янгиланиши кераклиги ҳақидаги фикри бутун инсоният учун муҳим даъватдир.

Шу жиҳатдан қараганда, Пре-зидентимиз нутқи фақат расмий баёнот эмас, балки чуқур маъна-вий ва амалий қақирик. Ҳар бир ғоя ва таклиф ортида инсон қадри, тинчлик, адолат ва ҳамжихатлик турибди. Мазкур нутқ халқимиз-нинг келажакка ишончини янада мустаҳкамлайди, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади.

“Янги Ўзбекистон” ғояси – шиор эмас, балки ҳар биримиз-нинг фаол иштирокимизга боғлиқ улкан мақсад. Агар нутқда илга-ри сурилган даъватлар амалга охса, юртимиз халқаро майдонда ишончли шерикка айланади.

ЎЗА МУХБИРИ
МУҲТАРАМА КОМИЛОВА
ёзиб олди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА “АГРО ЭКО КЛУБ” ОЧИЛДИ



(Боши 1-саҳифада)

Халқаро ҳамкорлардан қўллаб-қувватлаш

Ёвропа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси вакиллари ва БМТТД раҳбария-ти ҳам ёшларнинг экологик ташаббусларини юксак баҳолагани. ЁИ дастур менежери Ро-берто Апарисно таъкидлади: “Агро эко клуб бу Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш йўлидаги муҳим қадамидир. Ёшлар ғояси

Инновация ва амалиёт майдони

Клубда талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчилар учун замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган ўқув ла-бораториялари ташкил этилган. Бу ерда барқарор қишлоқ хўжалиги бўйича инно-вацион лойиҳалар ишлаб чиқилади, илмий ишланмалар амалиётга татбиқ этилади.

Шунингдек, клуб “EU–AGRIN” лойиҳаси доирасида молиялаштирилиб, Қишлоқ хў-жалиги вазирлиги ва БМТТД ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Концепция ишлаб чиқиш жараёнида эса “Аграр соҳа аёллари” уюммаси фаол иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, ёшларни “яшил” иқтисодиёт ғояларига йўналтириш, сув ресурсларини тежаш, тупроқ унумдор-



МИНТАҚАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Марказий Осиё давлатларининг III парламентлараро форуми “Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари: минтақани ҳар томонлама ривожлантириш бўйича самарали ечимлар” мавзусига бағишланди.



билан боғлиқ сессия бўлиб ўтди.

Унда миграция минтақа ри-вожига сезиларли таъсир кўрса-таётган табиий ижтимоий-иқти-содий ҳодиса экани қайд этилди. Миграцияни адолатли ва хавф-сиз бошқариш учун мустаҳкам қонунчилик базаси, самарали институтлар зарурлиги таъкид-ланди.

Сессия доирасида минтақа-вий ҳамкорлиكنи мустаҳкамлаш бўйича миграция қонунчилигини уйғунлаштириш, халқаро конвен-цияларни ратификация қилиш ва имплементация қилиш, кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастур-ларни ишлаб чиқиш ва хавфсиз меҳнат миграцияси механизмла-рини яратиш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Форум доирасида инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисоди-ётнинг шаффофлигини ошириш бўйича қонунчилик, шунингдек, рақамли тизимларга бағишлан-ган сессиялар ҳам бўлиб ўтди. Унда хусусий секторни ривожлан-тириш, инвестициялар устидан парламент назорати, шунингдек, киберхавфсизлиكنи таъминлаш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қи-линди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

лигини ошириш, биохилма-хилликни асраш ҳамда инновацион ечимларни жорий этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширил-моқда. Университетда очилган ушбу клуб ва унга уйғун ҳолда ташкил этилган маданий тадбирлар бундай ислохотларнинг амалий ифодаси, ёшлар онгини кенгайтириш ва уларни барқарор тараққиёт жараёнларига жалб этишнинг муҳим қадами ҳисобланади. Аграр таълимдаги янгиланишлар, илм-фан, инновация ва ижодий муҳит уйғунлиги яна бир бор намоян этилди. Бу эса нафақат қи-шлоқ хўжалиги соҳаси ривожи, балки ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида вояга етишига хизмат қилади. Лўнда қилиб айтганда, “Агро эко клуб” бу шунчаки талабалар тўпланадиган жой эмас. Бу ёшларнинг экологик масъулияти оши-риладиган, амалиёт билан илм уйғунлаша-диган, инновацион ғоялар ҳаётга татбиқ этиладиган яна бир замонавий марказдир.

Зарнигор СОДИҚОВА,
ТДАУ матбуот котиби.

ЎЗУМИНИ ЕНГУ, БОГИНИ СУРИШТИРАМАНГ!

(Боши 1-саҳифада)

Бу узумзорлар Эски Жомбой маҳалласи ҳудудидаги “Тулни-гор-Нурли даласи” фермер хў-жалигига қарашли экан. Бизни юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, хатти-ҳаракатидан раисларга ўх-шаб кетадиган 70 ёшлар чама-сидаги отахон очик чехра билан кутиб олди. Ўролбой Жабборов бу тоқзорни барпо қилишдан олдин яхши ниятда Олтиариқ туманига боради. Ҳафта-ўн кун ўша ерда бў-либ, миришкор-деҳқонлар етишти-раётган узумларга ҳавас қилади. Соҳибкорлар билан обдон суҳбат-лашиб, узум етиштиришнинг сир-асорларини кунт билан ўрганади. Турли хил касалликларга чалин-майдиган узум навлари тўғрисида тегишли маълумотлар тўплайди. Узум етиштириш агротехникаси билан қизиқиш, тоқзорларга ишлов бераётган механизаторлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ўқитлари-га қатъий амал қилишни кўнглига тутайди. Қўллаб-оттиариқлик тажри-бали соҳибкор-деҳқонларнинг иш жараёнларини синчиклаб кузатади. – Эзгу ниятларимизни амалга



ошириш мақсадида оила аъзола-римиз билан биргаликда ишга ки-ришдик, – дейди фермер Ўролбой бобо Жабборов. – 2013 йили 2 гек-тар очик майдонда узум етишти-ришга киришиб, жон жаҳдимиз билан меҳнат қила бошладик. Ол-тиариқлик миришкор мутахассис-лар маслаҳати асосида иш бошлаб кам бўлмадик. Йилдан йилга ток-зорларимиз майдонини кенгайти-риб бордик. Жомбой тумани хо-кимлиги, қолаверса, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари маъму-

риятининг назарига тушдик. Улар айниқса, тоқзорларимиз майдон-ларини кенгайтиришга яқиндан ёрдам берди. Мана бүгунги кунга келиб тоқзорларимиз ўн гектарга етди. Тоқзорларимизда узумнинг Олтиариқ туманидан олиб келин-ган энг сара навларини парвариш-ляпмиз. Мевалар ғарқ пишган айни шу кунларда Ризамат ота, ҳусайни, тоифи, келин бармоқ, оқ ва қора қишмиш, чилги, даройи каби ширин-шакар узумларни халқимиз дастурхонига етказиб

бераётганимиздан ҳақли равишда фخرланамиз. Тоқзорларимиздан бу йил ўртача 250 тоннага яқин ҳосил йиғиштириб олишни режа-лаштиряпмиз.

Фермер хўжалигининг мириш-кор соҳибкорлари узум пишиб, етилганидан буюн ҳосилини узлу-сиз равишда Жомбой, Булунгур ҳат-то Самарқанд шаҳридаги деҳқон бо-зорларига олиб бориб, сотишга ба-ди. Тадбиркорлар бу ердан шартнома асосида сотиб олган узумларини қўшни вилоятларга ҳатто қўшни давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Фермер хўжалигида асосан, оила аъзоларидан 12 нафари дои-мий иш билан банд. Бундан ташқа-ри, мавсумий ишларга 20-25 нафар ишчи жалб қилинади. Узумчилик-дан келаётган даромад ҳисобига ои-ланинг дастурхони тўкин. Фермер бобо нафақат фарзандларига, нева-раларига ҳам уйлар куриб беришда, тўйлар қилишда бош-қош. Шунин-гдек, маҳалла ҳудудидаги кам таъ-минланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, беморлар, мактаб ва богчаларга ҳам ҳомийлик қилиб келади.

Раббон ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
уюммаси аъзоси.
Муаллиф олган сурашлар.

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА МУВАФФАҚИЯТ СИРИ – БИЛИМ, ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК

Қишлоқ хўжалигининг қайси йўналиши билан шуғулланишдан қатъи назар ҳақиқий муваффақиятга эришиш учун фақат меҳнат ёки маблағ етарли эмас. Бу соҳада барқарор натижа олиш учун тажриба, билим ва доимий изланиш зарур.

Деҳқоннинг энг катта устунлиги турли ман-зараларни, далаларни, бойларни ўз кўзи билан кўриш, уларни ҳис этиш ва ўрганишдадир. Бу-гун Ўзбекистонда 4500 турдаги 100 мингдан зиёд ўсимлик навлари ўсади. Бирок амалда уларнинг кичик қисмигина тадқиқ этилган ва кенг жорий қилинган. Бу эса янгилликка интилиш зарурлигини кўрсатади.

Кўпчилик тез фойда излаб, “фалончи шунча топибди”, деган ҳаёл билан иш бошлайди. Лекин қишлоқ хўжалигида тажриба йиллар давомида орттирилади. Харажатлар ҳам ана шу йиллар даво-мида қопланади. Бирок энг асосийси, орттирилган тажриба келажакка қилинган инвестиция ҳисо-бланади. Ана шу билим ва тажриба асосидагина барқарорликка эришиш мумкин. Соҳада билим-ли агрономлар бармоқ билан санарли. Шу боис, деҳқонлар атрофдагиларни кўчирмасдан, ўз йўлини топиши, янги йўналишларда изланиши ва ҳамфикр ҳамкорлар билан бирлашиши керак. Ҳамкор та-жрибали ёки маблағдор бўлиши шарт эмас, унинг соҳага қизқиқиши етарли. Чунки куч – бирликда. Афсуски, кўпчилик фермерлар иқтисодий би-

лимга етарли аҳамият бермайди. Ҳисобчи ёки иқтисодчи хизматидан фойдаланишдан қочиши натижасида иш юритишда чалкашликка йўл қўйи-лади. Муваффақиятсизлиkning асосий сабаби маблағ етишмаслигидега эмас, балки билим етиш-маслигида эканини англаш вақти келди.

Кўп ҳолларда фарзандларнинг ўқиши ва ке-лажаги учун сарфланиши мумкин бўлган қад-ишга жалб қилинади. Бу эса келажак авлод имко-ниятларидан қарз олиш билан баробар. Билимга сарфланган ҳар бир сония – энг тўғри сармоядир.

Мустаҳкам ва самарали ҳамкорлик – муваф-фақият калити. Деҳқончиликда илмли, креатив фикрлай оладиган инсонлар билан яқин ижодий алоқалар ўрнатиш зарур. Бу йўлда яшаш ҳудуди, ёш, миллат ёки иқтисодий имконият муҳим эмас. Асосийси, самимийлик, ишонч ва билим алма-шишга тайёрлик.

Билганимизни ўргатиб, билмаганимизни ўр-гансак, қишлоқ хўжалигида катта муваффақият-ларга эришамиз.

Муҳаммадбобур СУЛТОНОВ,
мустақил аероэксперт.



(Боши 1-саҳифада)

2017 йилда вилоятимизда туристлар ташриф буюрадиган 48 та туризм объекти мавжуд бўлган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 239 гага етди, 14 та туризм ахборот маркази фаолияти йўлга қўйилди. 2017-2020 йилларда вилоятда туризм ахборот марказлари мавжуд бўлмаган. Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида эса 2 та туризм маркази ташкил этилди.

Туризмнинг кириш ва чиқиш турлари салоҳиятини ошириш мақсадида туроператор ва турагентлар фаолиятини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. 2024 йил давомида 29 та туристик корхона фаолияти йўлга қўйилди. Бу билан уларнинг умумий сони 118 гага етди. Жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида вилоятда 13 та туристик корхона фаолияти йўлга қўйилиб, белгилаб олинган режа 433 фойизга бажарилди. Бугунги кунда туристик корхоналар умумий сони вилоят бўйича 131 тани ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятда экотуризм, агротуризм, зиёрат туризми ва кўнгилочар туризм турлари билан бирга туризмнинг шопинг тури ҳам кундан-кунга ривожланмоқда. 2017-2021 йилларда вилоятимизда бирорта туризмга ихтисослашган махсус кўча мавжуд бўлмаган. 2024 йилда сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Чуст ва Давлатобод туманларида 2 та туризм кўчалари ташкил этилди. Бундай кўчалар сони ҳозирда 24 та.

Чуст тумани ҳудудидаги “Говасой”, “Юқори”, “Камарсада”, “Бибиона”, Янгикўрғон тумани ҳудудидаги



“Сойбўйи”, “Дўстлик”, “Зарбдор”, “Намуна”, “Қайроқи”, “Қизилёзи” каби жами 10 та маҳаллага махсус солиқ имтиёзлари жорий этилган бўлиб, бу маҳаллаларда 4 та соғломлаштириш маркази, 1 та хостел, 2 та дам олиш маскани, 1 та кемпинг, 30 та овқатланиш шаҳобчалари, 2 та транспорт хизмати, 2 та зиёрат туризми (архитектура ёдгорликлари) ва 20 та туризмга ёндош хизматлар фаолияти йўлга қўйилди.

– Табиийки, бу каби ўзгаришлар янги иш ўринлари яратилишига ҳам замин яратмоқда...

– Жуда тўғри. 2024 йил давомида инвестиция дастурлари доирасида умумий қиймати 800,1 млрд. сўм маблағ эвазига 142 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 2470 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Шу йилнинг январь-август ойлари давомида умумий қиймати 394.320,0 млн. сўм қийматидаги 46 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 1101 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йил сўнгига қадар туризм соҳасида қиймати 48,6 млн. АҚШ долларга тенг 77 та йирик, ўрта ва кичик лойиҳа ишга туширилиши натижасида 1 493 та янги иш ўрни яратилади.

Жумладан, кафе ва ресторан йўналишидаги хизматлар соҳасида қиймати 7,3 млн. АҚШ долларига тенг 30 та лойиҳа натижасида 444 та, меҳмонхона йўналишидаги хизматлар соҳасида қиймати 2,9 млн. АҚШ долларига тенг 5 та лойиҳа натижасида 157 та, соғлиқни сақлаш йўналишидаги хизматлар соҳасида қиймати 27,0 млн. АҚШ долларига тенг 34 та лойиҳа натижасида 725 та, спорт ва соғломлаштириш йўналишидаги хизматлар соҳасида қиймати 0,3 млн. АҚШ долларига тенг 3 та лойиҳа натижасида 22 та, туризм йўналишидаги хизматлар соҳасида қиймати 11,2 млн. АҚШ долларига тенг 5 та лойиҳа натижасида 145 та янги иш ўринлари яратилиши назарда тутилган.

Лойиҳаларга батафсил тўхталадиган бўлсак, Чортоқ туманида «CHORTOQ SANATORIYASI» МЧЖ томонидан амалга оширилаётган, қиймати 130 млрд. сўмлик “Соғломлаштириш ва даволаш масканини кенгайтириш” ҳамда Янгикўрғон туманида «Нанай арчазор» МЧЖ томонидан қиймати 5 млрд. сўмлик “Дам олиш ва соғломлаштириш масканини ташкил этиш” лойиҳаларини айтиб ўтишимиз ўринли.

Қисқа қилиб айтганда, ҳозирда 31 та лойиҳа амалга ошириляпти ва янги лойиҳалар шакллантириляпти.

– Вилоят туризми ривожига халқаро ҳамкорлик алоқалари қандай кечяпти? Айтмоқчиманки, хорижий



НАМАНГАННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТОБОРА ЮКСАЛМОҚДА

инвестицияларни жалб этиш бўйича бугун қандай ишлар амалга ошириляпти ва галдаги режалар қандай?

– Бу йўналишдаги ишлар ҳам тобора ривож топяпти. Жорий йилда Поп туманида туризмни комплекс ривожлантириш мақсадида вилоятдаги “Arashan Resort” маҳаллий туризм компанияси ва Япониянинг “NGEA - Nippon Global Education and Assessment” компанияси билан биргаликда “Арашан” кўллари атрофида умумий қиймати

“Наманган 2-халқаро хунармандчилик кўрғазмаси” каби кўплаб тадбирлар 7 млн. нафарга яқин маҳаллий ҳамда дунёнинг 62 та мамлакатидан ташриф буюрган 720 минг нафардан зиёд хорижий сайёҳларда унутилмас таассурот қолдирди.

Халқаро фестивал доирасида хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари вакиллари, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод, Ўш, Баткен,



250 млн. АҚШ долларига тенг замонавий ва инновацион туризм мажмуасини ташкил этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга асосан туризм мажмуаси таркибида экотуризм, рекреацион, гастрономик ва экстремал туризм объектлари, чанги комплекси, меҳмонхона, “food city” ва ресторан тармоқлари, тематик парк ва виллалар қуриш режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш натижасида қарийб 2 мингта янги иш ўрни яратилади.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, Чуст туманининг 4Р-112 автомобил йўл бўйида жами 25 гектар бўш турган ер майдонлари мавжуд. Бу ер майдонининг тоифаси ўзгартирилса, миллий меросни сақлаш, маҳаллий ишлаб

Нарин, Иссиқкўл вилоятлари губернаторлари ва Бишкек шаҳри мэри ҳамда Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти губернатори, Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти ҳокими, Корея Республикаси Буёв ва Кёнсанг шаҳри ҳокимлари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарларининг расмий ташрифи ҳам амалга оширилди.

– “Халқаро гуллар фестивали”нинг ўтказилиши вилоят иқтисодиёти ривожига, аҳоли даромадлари ошишига ижобий таъсир кўрсатгани, шубҳасиз...

– Албатта, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмлари ҳар ойда 1,4 трлн. сўмини ташкил этган бўлса, фестиваль даврида бу кўрсаткич ойлик ҳажми кўшимча 8,1 трлн. сўмга ортди, аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми 1,6 млн. сўмдан 2,8 млн. сўмга етказилди. Бюджетга қўшимча 220 млрд. сўм тушум бўлди. 45 та маҳалла гулчиликка ихтисослаштирилиб, 16,1 минг хонадондаги гуллар парвариши учун 20,8 минг фуқаро бандлиги таъминланди. Хонадонлар томоғқасида март-апрель ойларида 4 683 дона иссиқхона ташкил этилиб, 90 млн. дона гул кўчатлари етиштирилди.

Фестиваль маҳаллий тадбиркорлар, озиқ-овқат, хунармандчилик, транспорт ва сервис соҳалари учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди. Байрам кунларида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг савдо айланмаси ўртача 35-40 фойизга ошди. Тадбирлардан ўрин олган “Гул иқтисодиёти” форуми орқали хорижий инвесторлар билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари тузилди. Ўшбу тадбир гулчилик, озуқа саноати, логистика

чиқаришни ривожлантириш ва туризмни ошириш мақсадида “Хунармандлар маркази”ни ташкил этиш имкониятимиз бор. “Чортоқ” сув омбори атрофида мавжуд бўш турган 60 гектар ер майдонида эса туризм комплекси (меҳмонхона, ресторан, дам олиш ва кўнгилочар масканлар) ташкил қилиш бўйича ҳам лойиҳалар тайёрланмоқда. Бу бўйича Австрия давлатидаги инвесторлар томонидан меҳмонхона, ресторан ва кўнгилочар дам олиш масканларини ташкил этиш таклифлари билдириляпти. Австриянинг “Кремс” университети (Удо Брендл) билан илмий-амалий чоралар белгилаб ҳам олинди. Бу университет Наманган давлат университети ўртасида қўшма факультет ташкил этиш режалаштирилмоқда.

– Келинг, Наманганнинг ташриф қоғозига айланган “Халқаро гуллар фестивали” ҳақида ҳам суҳбатлашсак. Бу йилги фестивал билан боғлиқ натижалар, янгилıklar нималардан иборат бўлди?

– Барчага яхши маълум, Наманган вилоятда 1961 йилдан буён ўтказиб келинаётган ва аънаога айланган гуллар байрамига 2018 йилда “Халқаро гуллар фестивали” мақоми берилди. Натижада йилдан-йилга фестивалнинг нуфузи ортиб бормоқда. Жорий йилда 64-“Халқаро гуллар фестивали” 50 кун давомида, 25 майдан 13 июлга қадар ўтказилди. Фестивал доирасида тадбирлар ўтказиладиган объектлар ҳамда шаҳар ҳудудлари бўйлаб 120 турдаги 100 млн. туп гул кўчати замонавий ландшафт дизайни асосида экилди.

Заҳириддин Мухаммад Бобур номли маданият ва истироҳат боғи, “Афсоналар водийси” тематик парки ҳамда “Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудларида 50 кун давомида маданий-маърифий тадбирлар, халқаро илмий-амалий конференциялар, спорт мусобақалари, кўнгилочар шоу тадбирлари, театр ва цирк томошалари, гала концертлар, модалар ҳафталиги, саноат ярмаркаси ва бошқа 150 дан ортиқ халқаро ва республика миқёсидаги тадбирлар юқори савияда ўтказилди.

“Автопарад”, “Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш истиқболлари. Муаммо ҳамда ечимлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, ҳудудларнинг маданият кунлари, “Талант шоу”, “Овоз” ва “Х-Factor” танловлари, “Бобораҳим Машраб - Наманган фахри”, “Қамолддин Раҳимов издошлари” республика танловлари, “Қўл жанги бўйича халқаро Президент кубоғи мусобақаси”, “IT бизнес форуми”, “Беш ташаббус” тадбирлари, Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг очик осмон остидаги концерти, “Лаванда сайли”, “Дрон-шоу”,

ва агроэкспорт соҳаларида янги лойиҳаларга пойдевор бўлди, десак асло муболага бўлмайди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида Қозоғистон, Қирғизистон ва БАА каби давлатларга 1,2 млн. АҚШ доллар қийматида гул маҳсулотлари экспорт қилинди. Гул етиштириш билан шуғулланувчи 460 га яқин фермер хўжаликларида йиллик савдо айланмаси 2 баробарга ошди. Тўғридан-тўғри инвесторлар иштирокида Чортоқ, Поп, Норин, Наманган ва Учкўрғон туманларида 5 та янги гулчилик кластери ташкил этилди.

Сирасини айтганда, “Наманган - гуллар шаҳри”, деган атама фақат тантанали иборага эмас, балки стратегик инвестициявий аҳамиятга эга бўлиб улгурди. Фестивалга тараддуд доирасида мамлакат ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги элчихоналари ва консуллик ваколатхоналари билан доимий мулоқот ўрнатилиб, халқаро туризм ярмарка ва кўрғазмаларда ҳамда Европанинг 25 та давлатида “Халқаро гуллар фестивали” ҳақида “Road show” намойишлари ўтказилди.

Жумладан, 4-6 март кунлари Германия пойтахти Берлинда ўтказилган “TTB Berlin-2025”, 25-30 апрель кунлари Хитойнинг Сичуан провинциясида ўтказилган “SCITE”,



17-19 апрель кунлари Тожикистоннинг Хўжандида ўтказилган “Сўғд-2025” каби халқаро туризм ярмаркаларида вилоят делегацияси фаол иштирок этиб, фестиваль тарғиботини амалга оширди.

– Бугун дунё нигоҳи “Ахсикент” археология мероси объектига қаратилган. Айни пайтда бу ерда қандай лойиҳалар амалга ошириляпти?

– Дарвоқе, “Ахсикент” ёдгорлиги нафақат Ўзбекистон, балки дунё археологиясининг ноёб дурдонасидир. Бу қадимий шаҳар бир пайтлар Марғилон, Самарқанд ва Хирот билан тенг кўринишда бўлгани, Ипак йўлидаги стратегик аҳамияти, буюк давлатчилик ва илмий марказ сифатида танилгани юзасидан тадқиқотлар олиб бориляпти.

Ҳозирда муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан мазкур археологик ёдгорлиқни сақлаш ва қайта тиклаш бўйича 50 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, ҳозирда Италия технологияси асосида туркиялик мутахассислар иштирокида замонавий музей ва инфратузилмавий иншоотлар қурилиб, яқунланмоқда. Бу ишлар “Ахсикент”ни нафақат илмий тадқиқотлар марказига, балки мамлакатимиз туризмнинг энг йирик объектиларидан бирига айлантиради. Умумий майдони 132,4 гектар бўлган объектда 2023-2026 йиллар давомида 88,2 млрд. сўм бюджет маблағлари ҳисобига 3 та секторда лойиҳалар амалга оширилади. Хусусан, 8 та очик осмон музейи, уларни бир-бири билан боғловчи йўлақлар, Қадимий Ахсикент қалъаси муҳофаа деворлари ва кириш аркаси, савдо дўконлари, қаҳвахона, хунармандлар майдончаси ва автотураргоҳ, фавворали очик майдон, экспонатлар музейи, очик осмон ресторани, антик майдон, кабулхона, медиа марказ, мини амфитеатр, хостеллар, сайр майдони, ҳаво шарлари бекати ва бошқалар бунёд этилиши режалаштирилган. Натижада объект бир вақтнинг ўзида 300-400 нафар, бир кеча-кундузда 5000-6000 нафар ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади. Бугунгача 52 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

– Туризм салоҳиятининг ошишида медиа, контент ва ахборот алмашинувининг ўрни алоҳида. Бу жиҳатта қай тартибда эътибор қаратилмоқда?

– Тўғри таъкидладигангиз. Бу жиҳатни ҳам эътиборимиз марказида тутишга мажбурмиз. Чунки ахборот асрида бусиз бирон натижага эришиб бўлмайди. Мазкур йўналишда алоҳида режаларни амалга оширяпмиз. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ҳамкорликда туристлар кўп ташриф буюрадиган Янгикўрғон ва Чуст туманлари тўғрисида янги контент яратилди. Янгикўрғон ва Чуст туманларининг сўлим



табиати, туристик масканлар ва зиёратгоҳлари тўғрисида инглиз, хитой, япон, корей, араб ва хинд тилларида матн-лумотлар тайёрланди ва вилоят туризм бошқармасининг <http://namangan-tourizm.uz> ва <http://namangan-travel.uz> веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларига жойланди.

Бундан ташқари, Наманган вилояти туризм бошқармаси томонидан вилоятда мавжуд зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларга сайёҳларни жалб қилиш мақсадида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларнинг рўйхати шакллантирилди ва зиёратгоҳлар номи, объектнинг ташқи томондан кўриниши фотосуръатлари, манзилли ҳамда объект тўғрисида қисқача маълумотлар, шунингдек, 14 та тиббиёт туризм объекти, 21 та меҳмонхона, 22 та гастрономик туризм объекти ва 23 та зиёратгоҳ бутунжаҳон интернет тармоғида йирик интерфаол хариталар ва иловаларга жойланди.

– Ботиржон Қодирханович, мазмунли суҳбат учун газетамиз муштарийлари номидан сизга миннатдорлик билдирамиз ва келгуси ишларингизда муваффақият тилаймиз!

“Qishloq hayoti” муҳбири
Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ
суҳбатлашди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Суратда: тажрибали деҳқон Эшбой хожи бобо қовун ҳосилидан мамнун.

ҚОВУН МАВСУМИ

Ховос туманидаги "Оқ чангал" маҳалласи аҳлининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланиб, қовун, тарвуз ҳосилидан даромад қилишади. Гап шундаки, минг дардга даво қовун қоқи тайёрлаш

ҳам маҳалла аҳлининг асосий юмуши ҳисобланади. Ҳозир қовунларни йиғиштириб олиш мавсуми қизгин паллага кирган.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Эълон

ПАХТА SELEKSIYASI,
URUG'CHILIGI VA YETISHTIRISH
AGROTEKNOLOGIYALARI
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI
(PSUEAITI)Tayanch doktoranturada (PhD) o'qishga qabul uchun
kerakli hujjatlar RO'YXATI


- ariza;
- ma'lumotnoma (ob'ektivka);
- pasport kopiya
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- oliy malumot to'g'risidagi hujjat nusxasi;
- ilmiy ishlar ro'yxati;
- ilmiy ishlar nusxalari;
- ilmiy jurnallarda va nashrlarda e'lon qilingan ilmiy maqolalar soni bitta, ilmiy va ilmiy-amaliy konferensiyalar, seminarlarni ilmiy ishlar to'plamlariga kiritilgan tezislar (kamida 2 ta) tasdiqlangan ro'yxati va ularning nusxalari;
- milliy yoki unga mos bo'lgan xalqaro sertifikat (B1-C2 daraja bo'lishi kerak)

Doktoranturada (DSc) o'qishga qabul uchun kerakli
hujjatlar RO'YXATI

- ariza;
- yo'llanma xat;
- ma'lumotnoma;
- pasport kopiya
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- oliy malumot to'g'risidagi hujjat nusxasi;
- ilmiy daraja;
- tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- ilmiy jurnallarda va nashrlarda e'lon qilingan ilmiy maqolalar soni uchta, ilmiy va ilmiy-amaliy konferensiyalar, seminarlarni ilmiy ishlar to'plamlariga kiritilgan tezislar (kamida 2 ta) tasdiqlangan ro'yxati va ularning nusxalari;
- milliy yoki unga mos bo'lgan xalqaro sertifikat (B1-C2 daraja bo'lishi kerak)

KIRISH IMTIXONLARI QUYIDAGI FANLARDAN OLINADI:
Tayanch doktoranturaga (PhD) Tanlangan ixtisosik bo'yicha.
Doktoranturaga (DSc) Suhbat natijalari asosidaHujjatlar daraja.ilmiy.uz saytiga 5 oktyabrdan 5 noyabrgacha
onlayn joylashtiriladi“НЕГА ТЕЛЕВИЗОР
КЎРМАЙ ҚЎЙДИК?”

Яхши эслайман: уйимизда каттагина телевизор бўларди. Дастурхон атрофида жам бўлган оиламиз аъзолари севишли телекўрсатув, телесериалларни маза қилиб томоша қилардик. Зангори экран менинг тасаввуримда, нафақат ахборот ташувчи, балки инсонларни бир нуқтада бирлаштирувчи восита сифатида ҳам гавдаланарди. Ҳозирчи?



Замон ўзгарган, шу билан бир қаторда инсонларнинг хоҳиш-истаклари ҳам. Тўғри, орамизда телевизор кўрадиган, томоша қиладиган ёшлар учраб туради. Аммо, тан олиш керакки, интернет сайтларининг кузатувчиларидек миллион-миллион ёхуд миллиардлаб эмас. Савол туғилади: нима учун? Интернет нафақат телевидение, балки матбуот, радионинг ҳам оёғига тушов бўлди, йўлига ғов бўлди. Сабаби эса барчага бирдек маълум: ижтимоий тармоқлар, хусусан, мессенжерлар, видео-хостинглар, рекреатив хусусиятга эга бўлган платформалар инсонларга кўпроқ маъқул тушапти. Улар излаган маълумот, кўришни хоҳлаган видеолаваҳа, эшитмоқчи бўлган аудиоёзувларини зум ўтмай "қўлларига тутқазаяпти".

Аччиқ ҳақиқат – тезкорлик бобида анъанавий матбуот анчагина оқсаяпти. Хусусан, телевидениеда ҳам янгиликлар дастурлари жадвал асосида, куннинг маълум бир қисмида эфирга узатилади. Исталган вақтда, исталган мавзудаги ахборотни олишининг имкони йўқ. "Reuters Institute Digital News Report" томонидан ўтказилган тадқиқотда 46 та мамлакат иштирок этган. Натижада аҳолининг 60 фоизи жаҳон саҳнида рўй бераётган воқеаларни интернет воситасида кузатиб боришини маълум қилган. Умуман олганда, ахборот тарқатишга ихтисослашган онлайн нашрларни мунтазам равишда ўқиб бориш тенденция тусига кирган. Авваллари ОАВ аудиториясига "реципиент", яъни ахборотни қабул қилувчи, сирасини айтганда, истеъмолчи сифатида қараларди. Инсон тирик эканки, айтиш, айта олиш истаги билан яшайди. Маълум бир воқеа-ҳодиса, муаммо ёхуд масала юзасидан ўз фикларини баён

этгиси келади. Замонавий медиа кишилиқ жамияти вакилларининг "айта олиш" истагини рўёбга чиқаряпти. Эҳтиёжини керагидан ортиғича қондиряпти. Оқибатда, интерактивлик интернетни бошқа оммавий ахборот воситаларидан ажратиб, фарқлаб турувчи асосий хусусиятлардан бирига айланмоқда. Ёш авлод ўзини қизиқтирган, билишни истаган, аниқроғи эҳтиёж сезган мавзуларидagi медиаконтент билан танишишни хоҳлаяти. Телевидениенинг мавзулар қўлами кенг. Аммо, айрим ҳолатларда чекланиш, чегараланиш (айниқса, давлат телевидениеси моделида) мавжуд. Мунозарали, сўнгги вақтларда кўп муҳокама қилинаётган воқеа-ҳодисаларга алоҳида тўхталиб ўтилмайди. Ток-шоулар ташкил этилмайди.

Бугунги ва кечаги аудитория ўртасида сезиларли даражада фарқ бор. Кези келганда, иссиқни ҳам, совуқни ҳам ёқтирмайди, воқелиқни ким биринчи бўлиб шарҳласа, ҳузурида ҳозир у нозир бўлади.

Айтиш мумкинки, телевидение, радио, матбуот ва интернет – барча-барчаси медиамаконда ўзига хос ўрнига эга. Лекин, ана ўша маконда "рейтинг", "индекс" сингари тушунчалар ҳам бор. Назаримда, телеканаллар кўримлилиги ошиши, оммабоплиги таъминланиши учун таҳлилий жанрлардаги материалларга кўпроқ мурожаат қилиш керак. Инсонларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар таҳлилий бағишланган аудиовизуал материаллар, давра суҳбатлари ўтказиш, намойиш этиш орқали ҳам телетомошабинларни экран қаршисига қайтариш мумкин.

Улугбек ШАРОБИДДИНОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

Эълонлар

Хоразм вилояти "Мухаммадохун бобо"
жамоат ширкат бирлашмаси

бирлашма ҳисоб рақамига фуқаролардан
ихтиёрий равишда 2025 йил 17 сентябрь санасида
1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида хайрия
маблағи келиб тушганлигини маълум қилади.

Жданов Владимир Николаевич номига 1993 йил 10 мартда 10-02/13043 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Юлдашев Батир Ишмуратович номига 1993 йил 25 февралда 03-01/5427 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Абдуганиев Абдусалом номига 1993 йил 4 февралда 10-02/6500 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Мулаханов Эркин Тахирович номига 1993 йил 20 январда 05-01/1604 рақами билан берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

БОЙЛИК САРИ ЙЎЛ
ТАДБИРКОРЛИКДАН
БОШЛАНАДИ

Инсоният тарихига назар ташласак, энг катта бойлик ва муваффақиятга эришган шахсларнинг деярли барчаси табдиркорлик йўлини танлаганини кўрамыз.

Кимдир меросга таянган, кимдир давлат ишида юқори лавозимларни эгаллаган, бироқ дунёни ўзгартирган ва ўз исми билан тарихда қолганлар – бу янгилик яратган, риск қилган, ўз гоёларини бизнесга айлантира олган табдиркорлардир. Бугунги кунда ҳам бойликка эришишнинг энг тўғри йўли бу табдиркорлик. Масалан, Илон Маск оддий муҳандис бўлиши мумкин эди, аммо у ўзининг орзуларига эргашиди, риск қилди ва бутун дунёдаги энг бой кишилардан бирига айланди. Тесла автомобиллари орқали транспорт соҳасини инқилоб қилди, SpaceX билан эса космосни инсоният учун янги имкониятларга очди. Ёки Стив Жобс – оддий гаражда бошланган кичик лойиҳа бутун дунё технологиясини ўзгартирди ва Apple брендини миллиардлаб одамларга танилтирди. Жеффри Безос эса китоб, сотишдан бошлаган кичик ёнани бутун дунёнинг энг йирик интернет империясини яратмайдиган. Уларнинг барчаси битта ҳақиқатни исботлади: бойликнинг сири меросда ёки омадда эмас, балки табдиркорлик ва янгилик фикрлашда.

Бугун мамлакатимизда ҳам юзлаб ёшлар оддий хунарманд-

чилик ёки деҳқончиликдан бошлаб, ўз брендини яратаятгани, кичик бизнесни йирик корхонага айлантираётгани ҳаётий ҳақиқатдир. Давлат томонидан яратилаётган имкониятлар, ёшларга берилаётган имтиёзлар эса бугунги кунда ҳар бир одам учун табдиркорлик йўлини очиб бермоқда. Табдиркорлик бу нафақат бой бўлиш, балки жамият учун фойда яратиш демакдир. Табдиркор янги иш ўринлари очади, иқтисодиётга хисса қўшади, ўз юртининг ривожига хизмат қилади. Айнаш шу сабабли дунёдаги энг катта ўзгаришларни ҳам табдиркорлар қилган, улар нафақат ўз ҳаётини, балки бутун инсоният тақдирини ўзгартира олган. Хулоса қилиб айтганда, бой бўлишни ва жамиятда из қолдиришни истаган инсон табдиркорликни танлаши зарур. Чунки бу йўл нафақат унга молиявий эркинлик беради, балки жамиятга ҳам фойда келтиради. Ҳеч ким ҳеч ким учун тайёр имконият яратмайди, инсоннинг ўзи имконият ярато олиши керак. Бугунги дунё тажрибаси эса шунини яққол кўрсатмоқдаки, бойликка элтувчи ягона йўл бу меҳнат, янгилик ва табдиркорликдир.

Шаҳбоз МУРТАЗАЕВ

“ЁНГИНДАН ОҒОҲЛИК”
УМУММИЛЛИЙ КАМПАНИЯСИ”
ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фавқулодда вазиятлар ҳавфи юқори бўлган куз-қиш мавсуми олдидан ёнгин, ҳаво-газ аралашмасининг қақнаши ва ис газидан заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида 2025 йил 15 сентябр – 15 октябрь кунлари “Ёнгиндан оғоҳлик” умуммиллий кампанияси” ойлиги эълон қилинди.

Ушбу даврда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қатор йўналишларда профилактик табдирлар амалга оширилиши белгиланди. Биринчи галда талабалар ётоқхоналари, мослаштирилган бинолар, ижарага олинган ҳовли уйлар, квартиралар ва хостелларда ёнгин, ҳаво-газ аралашмасининг қақнаши ва ис газидан заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тегишсиз ва ўрганиш ишлари олиб борилади, ҳар бир маҳалладаги якка тартибдаги ва кўп квартиралар уйларида “хонадонбай” профилактика ишларини ташкил

этилади. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари ва табдиркорлик субъектлари ишчи-ҳодимлари, қолаверса, маҳаллаларда аҳоли билан ёнгинларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш қўнқималарини оширишга қаратилган йўл-йўриқ ва машғулотлар ўтказилади.

Шу ўринда юртдошларимиздан “Ёнгиндан оғоҳлик” умуммиллий кампанияси” ойлигида фаол қатнашчиларини сўраб қоламыз.

Бектош Жўраев,
“Тошкент ИЕС” АЖ ОИХТТББ
катта инспектори,
катта лейтенант.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАИТОВ,
Эшмирза АБДУЛЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимкул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табок. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-917. 1480 нусхада чоп этилди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қўрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00